



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 26 февраль, пайшанба, №22 (3668).



»» Президент

ШАФФОФЛИК ВА АДОЛАТ – БОШ МЕЗОН

Kazinform. Президент Марказий референдум комиссияси раиси Нурлан Абдировни қабул қилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаевга республика референдумини ташкил этиш ва тайёргарлик ишлари юзасидан ахборот берилди. Президент референдум давомида шаффофлик, қонунийлик ва барча фуқаролар учун тенг шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, учрашувда овоз бериш жараёнини юксак ташкилий даражада ўтказиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.



МАРКАЗИЙ КОМИССИЯ: ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ НАЗОРАТДА

Астанада Марказий референдум комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтди. Унда янги Конституция лойиҳаси бўйича ўтказиладиган умумхалқ референдумига тайёргарлик жараёнлари муҳокама қилинди.

Кун тартибига ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, овоз бериш тартибини белгилаш ва унинг натижаларини чиқариш дастаги, бюллетенлар тайёрлаш, шунингдек, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар қузатувчиларини аккредитациядан ўтказиш масалалари киритилди. Йиғилиш Марказий референдум комиссияси раиси Нурлан Абдиров раислигида ўтди. Унда Марказий референдум комиссияси аъзолари ва тегишли вазирликлари вакиллари иштирок этди. Маълум қилинишича, 19 февраль кuni Марказий референдум комиссияси хузуридаги ишчи гуруҳнинг кенгайтирилган йиғилишида ҳам мазкур масалалар атрофлича муҳокама қилинган. Унда кўзи оғирлар учун Брайль алифбосида тайёрланган бюллетеннинг дастлабки намунаси ҳамда Конституция лойиҳасининг икки тилдаги аудио талқини тақдим этилди. Ушбу материаллардан барча овоз бериш участкаларида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

ҚР Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати.



Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети хузуридаги Ботаника боғида лолалар очилди. Иссиқхоналар бағрида парвариш топган бу бетакрор гуллар илмий изланишлар самараси, фидойи меҳнатнинг ёрқин меваси сифатида баҳор нафасини элга улашмоқда.

Боғида баҳор яйраган...



2022-2024 йилларда Қозоғистон Республикаси Фан ва олий таълим вазирлиги гранти асосида амалга оширилган «Қозоғистонда лолаларнинг илмий коллекциясини яратиш, ноёб нав ва турларни кўпайтириш ҳамда етиштиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси самарали натижа бермоқда. Ушбу лойиҳа доирасида илмий асос яратилди, истиқболли навлар танлаб олинди, келгуси селекция ишлари учун бой генетик захира шакллантирилди.

Айни пайтда боғ иссиқхоналарида лолаларни парвариш ишлари изчил давом этмоқда. Натижада етти навадан 7 минг туп лолалар гуллаб бошлади. Бу эса илмий ишланмаларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ эти-



лаётгандан далолатдир. Ботаника боғида етиштирилган лолалар аънаанага кўра, баҳор байрамлари арафасида университетнинг фахрий устозлари ва ҳамкорларига эҳтиром рамзи сифатида тортиқ қилинади. Шу билан бирга, ушбу илмий лойиҳа самараларини бозорга чиқариш, маҳсулотни тижоратлаштириш имкониятлари ҳам ўрганилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Эрқайсымыздың дауысымыз маңызды!

15 НАУРЫЗ МАРТА РЕФЕРЕНДУМ

«Жобасы бұқаралық ақпарат құралдарында 2026 жылғы 12 ақпанда жарияланған Қазақстан Республикасының жаңа Конституциясын қабылдайсыз ба?» мәселесі бойынша

Референдум азаматтардың ерікті қатысуы, ойын ашық білдіруі, сондай-ақ жалпыға бірдей, тең, төте және жасырын дауыс беру қағидаттары бойынша өткізіледі

Қазақстан Республикасының Орталық референдум комиссиясы

www.election.gov.kz

15 НАУРЫЗ МАРТА РЕФЕРЕНДУМ

РЕФЕРЕНДУМҒА ҚАТЫСУҒА ҚҰҚЫҒЫ БАР АЗАМАТТАРДЫ ТІЗІМДЕРГЕ ЕНГІЗҮ

- 01 Референдумға қатысуға құқығы бар азаматтардың тізімдеріне әкімдіктермен тұрғылықты жері бойынша тұрақты тіркелген Қазақстан Республикасының азаматтары енгізіледі
- 02 Тұрақты тіркелген жері бойынша емес, өзінің болатын жері бойынша дауыс бергісі келетін азамат тізімге енгізу үшін әкімдікке өтініш беруге құқылы
- 03 Сіз референдумға қатысуға құқығы бар азаматтардың тізімінде бар екеніңізді тексеріп, егер болмасаңыз, тізімге енгізу үшін қайда жүгіну керектігін әкімдіктің интернет-ресурсында немесе жергілікті атқарушы органның Call-орталығына қоңырау шалу арқылы білуіңізге болады
- 04 Азамат референдумға қатысуға құқығы бар азаматтардың бір ғана тізіміне енгізіле алады
- 05 2026 жылғы 27 ақпаннан бастап, Сізге өз үшкесіңізде референдумға қатысуға құқығы бар азаматтар тізімінде өзіңіз туралы деректерді тексеру мүмкіндігі беріледі

Қазақстан Республикасының Орталық референдум комиссиясы

www.election.gov.kz

ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК – ДУНЁ МУАММОСИ

Қозоғистон тинчликпарварлик кучлари хизматчилари БМТ медали билан тақдирланди

Kazinform. Тинчликпарварлик хизмати кўмондони вазифасини бажарётган генерал-майор Анита Асма бир гуруҳ Қозоғистон ҳарбий хизматчиларига тинчликпарварлик ҳаракатларидаги иштироки учун БМТ медалларини топширди.



Қозоғистоннинг мустақил тинчликпарварлик кучлари Фауар базасида хизмат олиб бормоқда ва Сурия Араб Республикасида Голан тоғларидаги қурулми тўқнашуларни тўхтатиш борасидаги вазифаларини бажариб, БМТ қузатув кучлари таркибида фаолият юритмоқда. Улардан 139 нафари БМТ муқофотиға сазовор бўлди.

Қозоғистон тинчликпарварлик кучлари БМТ базаларини муҳофаза қилмоқда. Шунингдек, муқофаа тизимини мустақамлаб, маҳаллий аҳоли билан ҳамкорлик қилмоқда ва белги-ланган ҳудудда барқарорликни таъминлаш каби кенг кўламли вазифаларни бажармоқда.

2025 йил апрелдан эътиборан ушбу таркиб томонидан 1200дан зиёд портловчи қурилмалар зарарсизлантирилди. Жорий йилда эса 675та вазифа бажарилди.

СУВ ОМБОРЛАРИДА ЗАХИРА ҲАЖМИ ҚАНЧА?



ликларга қарши зарарсизлан-тиришининг биринчи босқичи март ойида бошланади. Жорий йил 31,4 миллион квадрат метр мол тўпланадиган ва сугориладиган жой, 92,6 миллион квадрат метр олис ҳудуддаги

қўраларни зарарсизлантириш режалаштирилган. 3,2 миллион бош йирки қорамол ва 9,9 бош қўй-эчкиларни дорилаш кўзда тутилган.

Вилоят ҳокимининг ўрин-босари мажлисда кўтарилган

барча масалалар юзасидан мутасадди бошқармаларнинг вазифаларини эслатиб, тегишли топшириқлар берди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

Бир ойдан сўнг йилнинг биринчи чораги ниҳоясига етиб, режалаштирилган ишлар бўйича дастлабки кўрсаткичлар баҳоланади. Соҳа раҳбарлари тасдиқланган кўрсаткичларнинг ижросини қай тарзда таъминламоқда? Берилган топшириқлар қандай амалга оширилмоқда? Вилоят ҳокими Нурбўл Турашбеков ўзи етакчилик қиладиган соҳалар бўйича мажлис ўтказиб, юқоридаги саволларга жавоб олди.

Вилоятимизда 12731 чақиримни ташкил қиладиган 4180та канал, жами сифими 8,7 миллиард метр кубни ташкил қиладиган 42та сув омбори, 5712 чақиримга чўзилган суғориш тармоқлари ва 1794та қудуқ мавжуд. Сув омборларининг тўлиш даражаси 71 фоизни ташкил қилмоқда. Ҳўжаликларни сувни тежовчи технологиясига ўтказиш бўйича шаҳар-туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда деҳқонлар билан мунтазам учрашувлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мажлисда ветеринария соҳасидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди. Энзоотик касал-

»» Аҳоли бандлиги – пировард мақсад



– Аблай Сарибекули, ҳозирги кунда меҳнат бозоридан қандай ўзгаришлар кузатишмоқда?

– Ил бошидан буён асосан субсидияли иш ўринлари орқали фуқаролар бандлиги таъминланмоқда. Бу йўналишда тўртта лойиҳа мавжуд.

– Ушбу лойиҳаларга қисқача тўхталсангиз.

– Биринчи йўналиш – “Кумуш ёш” лойиҳаси. Унда 50 ёшдан нафақа ёшигача бўлган ишсиз, меҳнатга лаёқатли фуқаролар иштирок этиши мумкин. Дастур 3 йилга мўлжалланган бўлиб, биринчи йили иш ҳақининг 70 фоизи, иккинчи йили 65 фоизи, учинчи йили 60 фоизни давлат томонидан субсидияланади.

– Иккинчи йўналиш – Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

– Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Бу дастурда 18 ёшдан нафақа ёшигача бўлган фуқаролар, шунингдек, ёзги таътил даврида талабалар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА

Сайрам туманида аҳолини иш билан таъминлаш, иш берувчи ва иш изловчилар ўртасида бевосита мулоқот майдонини яратиш мақсадида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Тадбир Сайрам тумани Мавқе маркази биносида Миллий лойиҳа доирасида ўтказилди.

Ярмаркада 16та ташкилот иштирок этиб, жами 110та бўш иш ўрни таклиф қилинди. Унда 100 нафардан зиёд фуқаро иштирок этиб, иш берувчилар билан бевосита суҳбатлашиб, меҳнат шартлари ва маош масалалари юзасидан атрофлича маълумот олиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, иштирокчиларга давлат дастурлари доирасида тушунтириш ва маслаҳатлар берилди.

Тадбир доирасида туман Мавқе маркази директори Аблай Ахметов билан мулоқотда бўлди.

ма-ой ўтказилиши натижалари бўляптими?

– Албатта, масалан, Ўрдабоши туманида Хитойнинг LIHUA GROUP компанияси томонидан пахта заводи ишга туширилди. У ерда иш ҳақи 300-400 минг тенге атрофида. Шунингдек, ишчилар учун ётоқхона ва овқат бепул, иш вахта усулида ташкил этилган, яъни, 15 кун ишлаб 15 кун дам олиш имконияти мавжуд. Ярмаркада ушбу иш ўринларини ҳам таклиф қилганларнинг ҳамда фуқаролар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу марказга яқин ҳудудда жойлашган “Биг строй” корхонасига дурадгорлар ва кўриқчилар талаб этилмоқда. Утган ярмаркалардан бирида иш берувчилар зарур ходимларни топиб, уларнинг маълумотларини олиб, бевосита алоқа ўрнатиб, ишга қабул қилишди.

Шу каби аниқ ва амалий натижалар бугунги кунда ярмаркалар орқали мунтазам равишда қайд этилмоқда.

– Алимент бўйича қарзи мавжуд ёки пробация ҳисобида турган фуқароларга иш топиш қийин эмасми?

– Иш топиш имконияти мавжуд. Ушбу ярмаркада 20 нафарга яқин пробация ҳисобида турган фуқаро иштирок этди. Биз имкон қадар уларга доимий иш ўринларини таклиф этишга ҳаракат қиламиз.

Жорий йилда пробация ҳисобида турган 2 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди, 2 нафар фуқарога манзилли ижтимоий ёрдам тайинланди. Шунингдек, 6 нафар фуқаро вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган квота асосида ишга жойлаштирилди. Яна 2 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилди.

– Келгусида ишсизликни камайтириш учун яна қандай аниқ чора-тадбирлар режалаштирилган?

– Мавқе марказининг асосий вазифаси – янги очилаётган иш ўринлари, тадбиркорлар ва иш изловчи фуқаролар ўртасида алоқани мустаҳкамлаш ва уларни доимий иш билан таъминлашдан иборат. Шу мақсадда бундай бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳар ойда мунтазам ташкил

этилади. Шунингдек, ҳозирги кунда вилоят ҳокимининг топшириқларига мувофиқ, марказ мутахассислари билан бирга ҳар бир корхона ва муассасани ораламоқдамиз, улар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланмоқда.

Бўш иш ўринлари пайдо бўлса, иш берувчилардан бу ҳақда бизга маълум қилишлари ёки ezbek.kz дастурида эълон жойлаштиришлари талаб қилинади.

– Асосий мақсадимиз фуқароларни доимий иш билан таъминлаш. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлаймиз, маълумоти ва меҳнат тажрибасини инобатга олган ҳолда мақбул йўналиш берамиз. Давлат дастурлари орқали талаб қилинмоқда. Утган ярмаркалардан бирида иш берувчилар зарур ходимларни топиб, уларнинг маълумотларини олиб, бевосита алоқа ўрнатиб, ишга қабул қилишди.

Шу каби аниқ ва амалий натижалар бугунги кунда ярмаркалар орқали мунтазам равишда қайд этилмоқда.

– Алимент бўйича қарзи мавжуд ёки пробация ҳисобида турган фуқароларга иш топиш қийин эмасми?

– Иш топиш имконияти мавжуд. Ушбу ярмаркада 20 нафарга яқин пробация ҳисобида турган фуқаро иштирок этди. Биз имкон қадар уларга доимий иш ўринларини таклиф этишга ҳаракат қиламиз.

Жорий йилда пробация ҳисобида турган 2 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди, 2 нафар фуқарога манзилли ижтимоий ёрдам тайинланди. Шунингдек, 6 нафар фуқаро вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган квота асосида ишга жойлаштирилди. Яна 2 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилди.

– Келгусида ишсизликни камайтириш учун яна қандай аниқ чора-тадбирлар режалаштирилган?

– Мавқе марказининг асосий вазифаси – янги очилаётган иш ўринлари, тадбиркорлар ва иш изловчи фуқаролар ўртасида алоқани мустаҳкамлаш ва уларни доимий иш билан таъминлашдан иборат. Шу мақсадда бундай бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳар ойда мунтазам ташкил

этилади. Шунингдек, ҳозирги кунда вилоят ҳокимининг топшириқларига мувофиқ, марказ мутахассислари билан бирга ҳар бир корхона ва муассасани ораламоқдамиз, улар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланмоқда.

Бўш иш ўринлари пайдо бўлса, иш берувчилардан бу ҳақда бизга маълум қилишлари ёки ezbek.kz дастурида эълон жойлаштиришлари талаб қилинади.

– Асосий мақсадимиз фуқароларни доимий иш билан таъминлаш. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлаймиз, маълумоти ва меҳнат тажрибасини инобатга олган ҳолда мақбул йўналиш берамиз. Давлат дастурлари орқали талаб қилинмоқда. Утган ярмаркалардан бирида иш берувчилар зарур ходимларни топиб, уларнинг маълумотларини олиб, бевосита алоқа ўрнатиб, ишга қабул қилишди.

Шу каби аниқ ва амалий натижалар бугунги кунда ярмаркалар орқали мунтазам равишда қайд этилмоқда.

– Алимент бўйича қарзи мавжуд ёки пробация ҳисобида турган фуқароларга иш топиш қийин эмасми?

– Иш топиш имконияти мавжуд. Ушбу ярмаркада 20 нафарга яқин пробация ҳисобида турган фуқаро иштирок этди. Биз имкон қадар уларга доимий иш ўринларини таклиф этишга ҳаракат қиламиз.

Жорий йилда пробация ҳисобида турган 2 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди, 2 нафар фуқарога манзилли ижтимоий ёрдам тайинланди. Шунингдек, 6 нафар фуқаро вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган квота асосида ишга жойлаштирилди. Яна 2 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилди.

– Келгусида ишсизликни камайтириш учун яна қандай аниқ чора-тадбирлар режалаштирилган?

– Мавқе марказининг асосий вазифаси – янги очилаётган иш ўринлари, тадбиркорлар ва иш изловчи фуқаролар ўртасида алоқани мустаҳкамлаш ва уларни доимий иш билан таъминлашдан иборат. Шу мақсадда бундай бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳар ойда мунтазам ташкил

мулоқот ўрнатиш имконияти мавжуд. Бу ҳам иш берувчи, ҳам иш изловчи учун бирдек манфаатли, – дейди у.

Ярмаркага ташриф буюрган фуқаролар орасида олий ўқув юртини яқинда тамомлаган ёшлар ҳам, бир неча йиллик танаффусдан сўнг иш излаётган хотин-қизлар ҳам бор.

– Мен Анвар Исмоилов номли коллежнинг дизайнерлик йўналишини тамомлаганман. Ярмаркага “Ёшлар амалиёти” лойиҳаси доирасида шу соҳа бўйича иш излаб келдим ва ўзимга ёққан иш ўрнини топдим. Бундай тадбирлар ёш мутахассислар учун жуда фойдалли, – дейди у.

Тадбир якунига кўра қуйидаги натижалар қайд этилди: 5 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди (шундан 2 нафари пробация ҳисобида); 28 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилди;

3 нафар ёш мутахассис “Ёшлар амалиёти” дастурига йўлланма олди;

6 нафар фуқаро “Кумуш ёш” дастурига жалб этилди;

12 нафар фуқаро ижтимоий иш ўринларига қизиқиш билдирди.

Бу рақамлар ярмарканинг амалий самарасини яққол кўрсатади.

Ушбу ярмарка ишсиз фуқаролар учун янги имкониятлар эшигини очди.

**Малика ЭПТОЕВА,
Собиржон ИСАМАТОВ
суратга олган.**

»» Очиқ минбар

ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР БЎЛГАН КОНСТИТУЦИЯ

Янги Конституция лойиҳасида белгиланаётган меъёрлар, аввало ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятли. Конституциявий ислохотлар бўйича комиссия мажлисида ҳам шу фикр алоҳида таъкидланди: иқтисодий кўрсаткичлар эмас, инсон қадрлари устувор.

Янги таҳрирдаги Бош Қомус лойиҳасининг асосий ғояси аниқ – давлат учун энг катта бойлик фойда ёки ҳажм эмас, балки фуқаронинг ўзи. Шу боис, лойиҳада ҳар кимнинг ишлашга, хавфсиз шароитда меҳнат қилишга, меҳнати учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи конституциявий даражада мустаҳкамланмоқда.

Лойиҳада меҳнат муносабатларига доир қатор муҳим барқарорликнинг муҳим омилдир. Янги меъёр меҳнатга касбию талабларига мос меҳнат шароитларини таъминлаш масаласи аниқ ҳуқуқий меъёр сифатида белгиланмоқда. Бу эса касбий касалликларнинг олдини олишга, ишлаб чиқариш жароҳатланишини камайтиришга, шунингдек, фуқароларнинг меҳнат қобилияти ва ҳаёт сифати-



ни таъминлашга қаратилган. Мазкур ёндашув меҳнат хавфсизлигига доир масъулиятли вазифани – давлат ва иш берувчининг конституциявий бурчи даражасига кўтаради.

Ҳалол меҳнат учун адолатли ҳақ тўлаш масаласи ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилдир. Янги меъёр меҳнатга касбию талабларига мос меҳнат шароитларини таъминлаш масаласи аниқ ҳуқуқий меъёр сифатида белгиланмоқда. Бу эса касбий касалликларнинг олдини олишга, ишлаб чиқариш жароҳатланишини камайтиришга, шунингдек, фуқароларнинг меҳнат қобилияти ва ҳаёт сифати-

**Хусанхон АҲМАДЖОНОВ,
жамоат арбоби.**

УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ



Конституциявий ислохотлар бўйича комиссия мажлисида янги таҳрирдаги мамлакатимиз Бош Қомусининг умумхалқ референдумига қўйиш зарурлиги ҳақида таклиф илгари сурилди. Таъкидланганидек, бундай муҳим ҳужжат халқ иродаси билан қабул қилинганда унинг кучқудратли ва ҳаётлиги янада мустаҳкамланади.

Янги Конституция лойиҳаси – улкан меҳнат ва юксак масъу-

лият маҳсули. У жамиятнинг бугунги талаблари ва эртанги тараққиёт эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Лойиҳада ҳокимият институтлари ўртасидаги ваколатлар аниқ белгилаб берилди, давлат ва фуқаро муносабатларида очиқ ҳамда шаффоф қоидалар мустаҳкамланади. Энг муҳими, барча янгиланишлар марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати туради.

Ҳужжатда Парламент фаолиятини янада самарали ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Муҳокамлар домида фуқароларнинг лойиҳага қизиқиши юқори эканлиги инобатга олиниб, Конституцияни қабул қилиш масаласини умумхалқ референдумига чиқариш энг тўғри ва демократик йўл экани таъкидланди.

**Дилдора ҲАСАНОВА,
Ўрта Осий олий тиббиёт
коллежи директори.**

ФАОЛЛИК КЎРСАТАЙЛИК

Асосий қонунга киритилган таклиф қилинаётган ўзгаришлар жамият фаровонлигини таъминлаш билан бирга, қонун устуворлиги, Қозоғистон халқининг бирлиги, жамоат тотувлиги ва давлат бошқаруви самардорлигини оширишга қаратилган.

Шунингдек, лойиҳада Халқ кенгашини доимий мулоқот майдони сифатида ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Қозоғистон халқ Ассамблеяси ва Миллий Курултойнинг асосий вазифаларини бирлаштирган ҳолда, у жамиятни жипслаштириш ва мамлакат манфаатларига мувофиқ, кўшма қарорлар қабул қилишнинг самарали дастагига айланади.

Туркистон вилояти ҳамда Шимкент шаҳри этник-маданий хилма-хиллик, тинчлик ва мустаҳкам ҳамжиҳатлик аъёналарига содиқ минтақалардир. Этномаданият бирлашмалари вакилларининг фаол фуқаролик қарши эл бирлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга,



янги Конституция лойиҳасини қўллаб-қувватлашга ҳамда яқинда ўтадиган республика референдумида фаол иштирок этишга тайёр эканлигини билдирди.

Мен барчани мамлакатимиз келажагига дахлдор масалаларда фаол бўлишга, референдумда ўз овозини беришга чақираман. Чунки ҳар бир овоз жамият тараққиётига қўшилган ҳиссадир.

**Шокирбек УМАРОВ,
4-сонли шаҳар болалар
музыка мактаби директори.**

Ишсизликни камайтириш йўлида

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА: НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР

Аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш давлат сиёсатининг устувор тамойиллари. Айниқса, меҳнат бозори барқарорлигини таъминлаш, имкониятлари чекланган фуқароларга ижтимоий ёрдам таъинлаш, манзилли ижтимоий ёрдам олувчилар нафақалари ва аҳолини қизиқтирадиган кўпгина масалалар кун тартибда. 2025 йилда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар ва жорий, “Рақамлаштириш йили” доирасидаги режалар ҳақида вилоят бандликни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси раҳбари Мекенхан Қўзиғанули билан суҳбатлашдик.

– Аҳоли бандлиги бўйича 2025 йилдаги кўрсаткичлар қанчалик қониқарли, жорий йилда туркистонликлар қандай янги ташаббусларнинг амалий натижаларини кўришлари мумкин?

– 2025 йилда минтақамизда аҳолини доимий ва муносиб иш ўринлари билан таъминлаш, ишсизлик даражасини пасайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда “Минтақавий бандлик харитаси” тасдиқланиб, аниқ вазифа ва кўрсаткичлар белгиланди. Мазкур ҳужжат асосида вилоятда 130 769та янги иш ўрни яратилиб режалаштирилди. Бу республика миқёсида яратиладиган 903 198та иш ўринининг 14,5 фоизини ташкил этиб, энг юқори кўрсаткичлардан бири сифатида қайд этилди.

Янги иш ўринлари бир неча йўналиш асосида таъминланди. Хусусан, 4074та иш ўрни миллий ва хусусий сармоя лойиҳалари доирасида яратилди. “10 минг аҳолига – 100та янги иш ўрни” дастури орқали 22595 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Субсидияланадиган иш ўринлари ҳисобида 45086 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, меҳнат бозоридagi мавжуд бўш иш ўринлари орқали 57 221 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 1793 нафар кишига давлат грантларини ажратиш кўзда тутилди. Сўнгги икки йилда меҳнат бозоридa ижобий ўшқинлик кузатилмоқда.

Аҳоли сонининг ўсиши меҳнат бозорига талабни янада ошириб, янги иш ўринларини яратишни долзарб

вазифага айлантормоқда. Жумладан, 861 913 нафар иқтисодий фаол аҳоли рўйхатга олинди. Уларнинг 822 014 нафари банд аҳоли ҳисобланади. Шу жумладан, 442 211 нафар киши ёлланма ходимлар, 379 803 нафар киши ўзини-ўзи банд қилганлар. Ишсизлар сони 39 899 нафар кишини ташкил этди.

Шунингдек, иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони 510 307 нафар кишини ташкил этади. Улар – ўқувчилар ва талабалар, нафақадорлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқалардир. 15 ёшгача бўлган фуқаролар 775 987 кишини ташкил этди. Ишсизлик даражаси 4,6 фоизни ташкил этди. Ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 1,8 фоиз, хотин-қизлар ўртасида эса 5,4 фоизни ташкил этди. “Минтақавий бандлик харитаси” ижроси бўйича 2025 йилда 147 719 нафар киши иш билан таъминланди, режа 113 фоизга бажарилди. Субсидияланадиган иш ўринларига 8282 нафар йигит-қизлар йўналтирилиб, режа 74,9 фоизга бажарилди. Ижтимоий иш ўринларига 4716 киши йўналтирилиб, режа 100,8 фоизга бажарилди. Жамоат ишларига 15 327 нафар киши жалб этилиб, ушбу йўналишдаги режа ҳам 109,8 фоизга бажарилди. “Кумуш ёш” лойиҳасига доир 2795 нафар киши ишга йўналтирилиб, режа 101,3 фоизга бажарилди.

– “Минтақавий бандлик харитаси” доирасидаги жорий йилдаги иш ўринлари режаси қандай?

– Харита доирасида жами 74 516 нафар кишини иш билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Шу жумладан, 54 483 иш ўрни доимий, 20033таси эса мавсумий иш ўринларидир. Йўналишлар кесимида қуйидагилар

белгиланган: 40595 киши меҳнат бозоридagi бўш иш ўринларига йўналтирилади, 2465 киши Миллий лойиҳалар доирасида яратиладиган иш ўринлари орқали иш билан таъминланади (шу жумладан, 962таси доимий, 1503таси мавсумий). 11476 нафар киши “10 минг аҳолига – 100 янги иш ўрни” дастури орқали банд қилинади. 18530 киши субсидияланадиган иш ўринларига йўналтирилади (шу жумладан, ёшлар амалиёти – 6415 киши, жамоат ишлари – 7515 киши, ижтимоий иш ўринлари 3500 киши, “Кумуш ёш” лойиҳаси –1100 киши) 1450 кишига грант ажратиш режаланган. 2026 йилдан амалга ошириладиган сармоявий лойиҳалар орқали яратиладиган иш ўринлари доирасида 284та инфратузилмавий лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Улар орқали жами 2465та иш ўрни яратилади.

– Кам таъминланган оилаларга қандай моддий ёрдам кўрсатилмоқда?

– 2025 йилда 12 ой мобайнида 62 244 кишига (10048та оиллага) 6,1 миллиард тенге миқдорда манзилли ижтимоий ёрдам таъинланиб, тўланди. Қашшоқлик даражаси 2,9 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 1,5 фоизга камайди. Шунингдек, МИЁ олувчилар сони 32 506 кишига ёки 34,3 фоизга қисқарди.

Барча туман ва шаҳарларда МИЁ олувчилар сони камайиб, белгиланган режа ижроси таъминланмоқда. Бирок, республика миқёсида вилоятимиз ҳали ҳам сўнгги учлик қаторида қолмоқда.

2026 йилда қашшоқликни янада камайтириш мақсадида 59,1 минг на-



фар фуқарони (9,5 минг оилани) МИЁ билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадга 6,5 миллиард тенге маблағ ажратилди.

Натижада, 2026 йил якунига қадар МИЁ олувчилар сони 59 062 нафаргача тушириш, қашшоқлик даражасини эса 2,7 фоизгача пасайтириш режалаштирилган.

– Давлат раҳбарининг “Оилани қўллаб-қувватлаш” марказини очиш топшириғи қандай амалга оширилмоқда?

– Мазкур топшириққа мувофиқ, бугунги кунда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида 17та марказ фаолият юритяпти. Уларда жами 295,5та штат бирлиги тасдиқланган бўлиб, тегишли мутахассислар иш олиб бормоқда. Амалдаги қонунчиликка кўра, марказларни молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағи ҳамда ҚР қонунчилигида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. 2025 йилда уларни сақлаш учун маҳаллий бюджетдан 1198,1 миллион тенге маблағ ажратилган бўлиб, 126та ётоқ ўринларини ташкил этиш мўлжалланган. Минтақадаги 17та марказнинг 9таси давлат тасарруфидаги биноларда, 8таси ижарага олинган биноларда жойлаштирилган.

– Ногиронлиги бор шахсларга кўрсатиладиган хизматларга тўхталсангиз.

– Бугунги кунда республика миқёсида 737,4 минг нафар ногирон шахслар

рўйхатда турса, вилоятимизда 102 401 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро ҳисобга олинган. Бу вилоят аҳолисининг 4,6 фоизи. Жорий йилда 65 994 нафар ногирон шахсларни ижтимоий тиклаш тадбирлари билан қамраш учун республика ва вилоят бюджетларидан 13,5 миллиард тенге маблағ ажратилди. Келгусида ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун назоратни кучайтириш ва доимий назорат ишларини олиб бориш зарур. Бошқармаимиз тасарруфида 12та коммунал давлат муассасаси, шу жумладан, 5та стационар, ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари фаолият юритмоқда.

– Этник қозоқлар масаласига тўхталсангиз...

– Ўтган йили 900 нафар этник қозоқ кўчиб келиб, уларга “Қандас” мақоми берилди. ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирининг буйруғига кўра, вилоятимиз бўйича 2025 йил хорижий ишчи кучини жалб этишга 1107та квота тасдиқланиб, унга кўра, 1137 нафар хорижий фуқарога рухсатнома берилди. 2026 йилда Шимолий худудларни кўчириш сиёсатини амалга ошириш мақсадида вилоятга келаятган қондошлар сони кўпайтириш ва йил якунига қадар 900 нафар этник қозоққа мазкур мақомни бериш режалаштириляпти.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Янги Қозоғистон бунёдкорлари

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН МАТОНАТ

Аёл кучи меҳр ва сабрда мужассам. У меҳрини атрофига улашиб, сабрдан қувват олади. Халқимиз бу ҳақиқатни бежиз айтмаган. Ҳаётнинг ўзи буни исботлаб турибди. Биз билан замондош, “сув келса симириб, тош келса кемириб” яшашни умрининг шиорига айлантирган инсонлардан ҳаёт сабоғини олиш мумкин, кўпчилик уларнинг умр йўлларидан ўлчов олиб яшайди. Бундай матонатли инсонларни ҳаёт синовлари энгиб ўтолмайди, аксинча, уларни ҳар қадамда тоблаб бораверади.

Туркистон шаҳар, Қорачиқ қишлоғида истиқомат қилаётган Дилфуза Эрматова ана шундай матонатли аёллардан. Ҳозирда у тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз кўли билан тикилган кўрпа-кўрпача, ёстиқлар билан хонадонларга гўзаллик ва кайфият бахш этмоқда. Унинг тиккан буюмлари хонадонларда келинлик руҳига ўзгача шуқуқ бағишлаб, бахт туйғуларини уйғотиши, мижозлари томонидан мунтазам такрорланади. Мижозлари сафи кундан-кунга ортиб боришининг сабаби ҳам, балки шундadir. Дилфузазонинг хонадонидa фaйз, нафосат, гўзал қадриятлар, аёл лaтофaти уйғун бўлиб, оиладаги бахт ва осойишталик туйғуларини намоён этади.

Дилфузахон 2010 йили Қариз қишлоғидан Қорачиққа келин бўлиб тушди. У деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланадиган оиладаги 4 нафар фарзанднинг тўнғичи. Умр йўлдоши Собиржон билан бирга икки ўғил ҳамда бир қиз кўришти. Собиржон Ақтов шахрида машиналарга хизмат кўрсатадиган компанияда фаолият юритди. Оиласи билан бирга ҳам Туркистонда, ҳам Ақтовда истиқомат қилишди, болалар мактаб ёшига етиб қолганди. 2017 йили оила учун оғир ва синовли йил бўлди. Умр йўлдоши Жанаўзден шахрида автохалокатга учради, фoн дунёдаги ҳаёти шу ерда поёнига етди.

– Умр йўлдошим билан етти йил яшадик, – дейди Дилфузахон. – Бизни энг гўзал жўфлик, деб аташарди. Кўп яқинлигимиз нигоҳида ҳақиқатан ҳам бахтли оила тимсоли эдик. Умр йўлдошимни йўқотганимда тўнғичим 7 ёшда, ўртанчимиз 6 ёш ҳамда кенжамиз 2,5 ёшда эди. Турмуш ўртоғим ҳам оиласида тўнғич фарзанд эди ва ота-онасининг суянчиғи бўлганлиги сезилари даражада намоён бўлди. Эзгу ният билан уй қурилишини бошлаган эдик. Пойдевори қурилиб, деворлари кўтарилганди. Энди томини ёпишга келганда эса... Мен суянчиғимдан айрилдим, фарзандларим отасиз қолди. Ичимдан бир ҳайқирик келади-ю, “дод” деб йиғлагим келади, йиғлолмайман, бошим-

ни қай деворга уришни билмайман. Кўзлари жавдираб, мендан тасалли кутаётган болаларимнинг кўзига қарайману, кўз ёшимни ичимга ютаман. Уларнинг кўзидаги мунгни кўриб, англадимки, руҳимни чўктиришга, кечаю-кундуз йиғлаб, дардимга дармон топа олмас эканман. Қариндошларимизнинг ёрдами билан менга иш топилди. Шукри, ота-онам, яқинларим, умр йўлдошимнинг оилалари бор. Бирок, барибир оиланг учун масъулият сенинг гарданингга тушар экан. Кейин қариндошимизнинг чеҳида ишлашни бошладим. Тикувчиликдан, умуман хабарим йўқ, у ёқда ҳам ишлайман, ҳам ўрганаман, ҳам даромад деганларидек, қозонимиз қайнай бошлади. Ўзимни бутун дунё ташвиши бошимга тушгандек ҳис қилдим. Менга ишлаш учун имконият берганларга катта раҳмат. Болалар, эркаклар кийимлари, трико, курткалар тикиб ўргандим. У ерда тўрт йил мобайнида ишладим. Кийимларни сўкиб, бичим олишни, қалин кийимларни тикишни ўргандим. Уйимиз битмаган, иссиқлик тизими ўрнатилмаган. Мен эса буюртмачиларимдан иш учун пулини аввалдан беришларини сўрадим. Олган пулимизга томимизни ёпдик, хоналаримизга иситиш тизимини ўрнатдик. Эрталабки соат 4гача ухламай буюртма тикардим. Бир кеча-кундузда узоғи билан 2 соат ухлаб, яна тикиш-бичиш иш-

ларига киришиб кетаман. Фарзандларим менга далда беришади. Қаттиқ хўрлигим келиб, пул етишмовчилигидан қийналган пайтларимда ҳам кўз ёшларимни фарзандларимга кўрсатмасликка ҳаракат қилдим. Аллоҳнинг марҳамати, бедор тунлар, фарзандларимнинг эртаси ташвишида ўтказилган кунлар самарасини берди. Усталарга меҳнат ҳақини бўлиб тўлаш шarti билан таъмир ишларини бажаришларини илтимос қилганимда рози бўлишди... Бу менга имконият, яратувчиликка туртки берди.

– Дилфузахон, сиз барпо этган шинам ҳамда файзли иморат улкан меҳнат самарасидир. Тадбиркорлик фаолиятингиз ҳам таҳсинга сазовор.

– Фақат буюртма учун ишлагандан кўра, тикув машиналарини харид қилиб, ўз ишимни бошлашни ният қилдим. Эътиборли жиҳати, Яратган хаёлингизга, амалга ошмайдиган орзуларни солмас экан. Ният қилдингизми, қўлингиздан келганини қилингу, натижасини Ўзига топшириш керак экан. Мен ҳам шундай қилдим. Пулини бўлиб тўлаш эвазига машиналарини харид қилдим. 4та тикув машинкаси бор, ускуналарни алоҳида хонамизга жойлаштирдик. Ўғлим, қизим менга ёрдамчи, улар ҳам тикиб менга ёрдам беришяпти. Бошқа бир хона-



мизга яна бир ускуна харид қилдик. Кўрпа-тўшақ тикадиган дастоғх. Мен сотиб олмоқчи бўлган пайтда, унинг нархи 1 миллион тенге эди. Бир оз вақт ўтиб, харид қилганимда 2 миллион тенге атропофида бўлди. Тавakkал қилдим-да, уни ҳам бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олдим. Бир хонамизда кўрпа-тўшақ тикилса, иккинчи хонада, уларнинг жилдлари тикилади. Улкан хонамизда эса, оиламиз билан кўрпа ва кўрпачалар ичига пахта солаимиз. Санокли йилларда фарзандларим билан бирга оилавий бизнесимизни ташкил этдик.

... Фарзандларини илҳомлантириб яшаётган Дилфуза уларга ҳам она, ҳам ота бўла олди. Асосий вақти тикиш-бичиш ишларига сарфланса ҳам, ҳар бир фарзандининг қизиқишлари, уларни уйлантираётган масалалар, муаммолардан бохабар. Уларнинг мақбаладига давомати, қўшимча дарслардаги иштироки ҳам онанинг доимий эътиборида.

– Сўнгги маблағимиз қолса-да, аънавий тарзда болаларимни истироҳат боғига олиб бориб сайр қилдираман, совғалар олиб беришга ҳаракат қиламан. Кейин қизимнинг синфдошлари орасида уни четлатишни, руҳий босим ўтказишни бошлаганини сездим. Мен тезда ота-оналар гуруҳига чиқиб: “Фарзандларимнинг отаси оламдан ўтган бўлса, болаларнинг ҳам, менинг ҳам бунга дахлимиз йўқ. Бу Аллоҳнинг иродаси. Буни болаларингизга яхшилаб тушунтириб қўйинглар”, деб мурожаат қилдим. Ота-оналар фарзандларига буни тўғри тушунтирган бўлса керак, муаммо ҳал бўлди. Албатта, жамиятимизда рўй бераётган шундай воқеалар бироз кўнгилсизликка сабаб бўлди. Умуман жамиятимизда ёлғиз аёлга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришимиз жоиз. Ҳаётимдаги фарзандларим менга берилган омонатлардир. Мен уларни тарбиялаб, қомил инсон сифатида вояга етказишим ва бунинг учун барча шароитларни муҳайё қилишим керак.

Оиламнинг шаъни, шарафи, фарзандларимнинг истикболли келажаги мен учун муҳим. Тадбиркорликни ривожлантиришда фарзандларимнинг ҳиссаси улкан. Ижтимоий тармоқлардаги махсус гуруҳларда ишлаб чиқарган махсуслотларимизни тақдим этамиз ва сотамиз.

Махсуслотларимиз хариддоргир. Айни дамда кўрпа-тўшақларимизга Кентов, Туркистон, унинг атропофидаги қишлоқлар, Қизилўрданинг Жиелесидан ҳам буюртмачилар чиқяпти.

– Махсус грантлар таъсис этилганку, шуларда иштирок этиб кўрдингизми?

– Бир неча бор уларда қатнашишга ҳаракат қилиб кўрдик. Бирок самараси бўлмади, сўнг уринмай қўйдик. Шу боис, имкон қадар ўз кучимизга таяниб, бўлиб тўлаш шarti билан дастоғхларимизни харид қиляпмиз. Махсуслотларимизнинг хариддоргир бўлаётганлиги бизга маънавий куч ато этапти. Мен ҳам худди шундай фарзандларимни доим руҳлантириб туришим керак. Улар менга қувват бахшида етадиган қанотларим. Улар менинг тимсолимда кўнгли ўқсик онасини эмас, рағбатлантирувчи меҳрибонларини кўришим.

Мунира ЖАМОЛИДДИН қизи.

»» Обуначиларимиз орасида

МЕХНАТ ИНСОННИ
УЛУҒЛАЙДИ

Ўранғай қишлоғидаги жамоат ишларида фаол обуначимиз, тажрибали устоз, касабга уюшмаси қўмитасининг кўп йиллик раҳбари Раҳматулла Зайниддин ўғли ҳамда умр йўлдоши, олий маълумотли мураббий Нигора Обиддин қизининг олтимиш йиллик юбилейига ташир буюрган хурматли меҳмонларни фарзандлари Муножот, Бобомурод, келин-куёв, неваралари билан бирга кутиб олишди. Ҳамкасблари, мактаб маъмурияти, Ўранғай қишлоғи фаоллари қаторида Саврон тумани ЎЭМБ раиси Қурбонбой Ирисбеков юбилейга "Хурматли устоз" кўкрак нишонини тақиб, тўн кийдирди. Барча мукофотлар шонли меҳнатга муносиб ва мувофиқдир. Муборак бўлсин!


Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

»» Топиб, ўқинг!

МАНКЕНТ ТАРИХИ
ҲАҚИДА ЯНГИ КИТОБ

Сўнгги йилларда юртимиз тарихини ўрганиш борасида залворли ишлар амалга оширилди. Жумладан, З. Аҳмедованинг "Қадим ва навқирон Қорабулоқ", шунингдек, бир гуруҳ иждоқорларнинг "Сайрам", "Манкент", "Халқ лапарлари" каби қатор тарихий ва маданий-маърифий китоблари нашр қилиниб, ўлкашунослик тараққиётига сезиларли ҳисса қўшилди. Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли иждоқор Абдирахим Пратовнинг яқинда чоп этилган "Манкент тарихи" китоби бу борадаги яна бир муҳим ташаббус маҳсулидир.



Таниқли давлат ва жамоат арбоби Р. Холмуродов мазкур китобга ёзган сўзбошида Туркистон, Қорабулоқ, Сайрам каби юртимизнинг муқаддас манзиллари ҳақида ариятлиган илмий асарлар ҳамда тадқиқотлар қаторида мазкур "Манкент тарихи" китоби ҳам улкан меҳнат натижасида дунёга келган маънавий бойлигимиз экани, у миллатлараро дўстлик ва бирдамликнинг ёрқин намунаси сифатида қимматга эгаллигини таъкидлайди.

"Қозғоғистонлик ўзбеклар бу қутлуғ заминда қозоқ халқи билан турли давр, турли тузумларда, қондошлик, жондошлик ришталарини узмай, аҳил, ҳамжиҳатлик, тотувликда, бир оила фарзандидек, қуда-анда бўлиб яшаган ва яшаб келмоқдалар. Миллатдошларимиз турли соҳаларда меҳнатсеварлиги билан танилган, давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги хизматлари туфайли обрў-эътибор топанлар", деб ёзади китоб сўзбошида муаллиф.

Китобда марҳум тарихчи олим, академик, жамоат ар-

боби, профессор Мираҳмад Мирҳолдоров, фахрий устоз, тарих ўқитувчиси марҳум Ҳошимбой Йўлдошев, изланувчан фахрий матбаачи Неъматжон Тўйчиевнинг Манкент қишлоғи тарихи ҳақидаги мақолалари, жами 200га яқин эл эҳтиромига сазовор манкентликлар, илм ва фан намояндалари, шунингдек, меҳнат фахрийлари ҳақида маълумотлар жамланган. Шунингдек, таъкидлаш жоиз, уларнинг бир қисми 2022 йили Низомхон Сулаймонов раҳбарлигида чоп этилган "Манкент" китобига ҳам киритилган эди. Бу сафар қишлоқ аҳлининг илтимосига биноан ва кўплаб ўқувчиларга тақдим мақсадида китобдаги барча маълумотлар тўлдирилиб, бойитилди.

Ушбу масъулиятли вазифани амалга оширишда жонбозлик танитган А. Пратов, шунингдек, бегараз ёрдам кўрсатган барча иждоқорларнинг меҳнати таҳсинга сазовордир. Зеро, тарих бу – халқнинг абадий хотираси, уни ўрганиш ва эъзозлаш эса келажакка олиб борувчи нурли йўлди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

ЭЗГУЛИК ОЙИДАГИ
ҲАМЖИҲАТЛИК
ТАДБИРИ

Шимкент шаҳридаги «Бомонд 777» тўйхонасида ифторлик уюштирилди. Тадбир Қозғоғистон ўзбеклари «Дўстлик» ҳамжамияти раиси Абдулла Исмаилов ташаббуси билан ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларидан ўзбек этномаданият бирлашмалари раислари, фаоллари, жамоат арбоблари иштирок этди. Тадбирни таниқли жамоат арбоби Шалатай Мирзахметов очиб, муборак Рамазон ойи билан барчани табриклади ва турли миллат вакиллари бир дастурхон атрофида жамлаган муборак Моҳи Рамазон эзгулик ойига айланганини тилади. Шунингдек, у ибодат ва саховат ойида икки қардош халқ ўртасидаги дўстона муносабат-



ларнинг ришталарини янада мустаҳкамлаш, айниқса, саховат ойида ҳамжиҳатлик руҳини янада кучайтириш, осойишталик ва жамият тараққиётининг муҳим омилли эканлигини таъкидлади. Ҳамжамият раиси Абдулла Исмаилов, унинг фахрий раиси Икромжон Ҳошимжонов, Оқсоқоллар кенгаши раиси Орифжон Холназаров сўзга чиқиб, қутлуғ ой билан табриклаб, барчага тинчлик, осойишталик ва барқарорлик тилалди.

Мамлакатимизнинг олис-яқин вилоятларидан ташриф буюрган ЎЭМБлари фаоллари ҳам сўзга чиқиб, эзгу ниятларини изҳор этишди. Ҳамжамият ҳузуридаги оналар кенгашининг фахрий раисаси Фароғат Ҳошиматова, ҳамжамият раиси ўрин-



босарлари Ғани Каримов, Шимкент шаҳар ЎЭМБ раиси Тоҳир Нишонбоев, «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Муроджон Абубакиров ва бошқалар сўзга чиқиб, шукӯҳли Рамазон билан табриклаб, юртимизга барака ва осойишталик тилалди.

Шимкент шаҳар бош имом-хатиби Бақдаулет Нурматули ва Туркистон вилояти бош имом-хатиби Ержан Сматали сўзга чиқиб, саховат ва меҳр-оқибат ойида муҳтожларга ёрдам қилини чўзиш, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш орқали ҳамюртларимиз улуғ савобларга эга бўлишларини алоҳида таъкидлаб, Қуръон тиловат қилишди. Тадбир якунида иштирокчилар бундай маънавий учрашувлар миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этиб, эзгу ишларни давом эттиришга чақирдилар.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Рамазон – меҳр сабоғи!

ПОК НИЯТЛАРИМИЗ
МУҚАДДИМАСИ

Муқаддас Рамазон ойининг биринчи ҳафтаси ҳам якунланмоқда.

Рамазон хонадонларимизга меҳр-муруват, саховат ва мағфират олиб келадиган қутлуғ ойдир.

Рамазон – бу фақат вужуднинг эмас, қалбнинг ҳам рўзасидир.

Бу – руҳни поклаш, Аллоҳга қайта юзланиш палласидир.

Ушбу Рамазон пок ниятларимизнинг муқаддимаси бўлсин. Уни яхши амаллар ва сабр-қаноат билан ўтказайлик. Аллоҳ барча ибодатларимизни, дуо тилакларимизни қабул айласин.

Қалб хотиржамлигини, иймоннинг мустаҳкамлигини тилайман. Ҳар бир ифтор шукроналик билан, ҳар бир саҳарлик эзгу ният билан,



ҳар бир тун мағфират билан жаннатга яқинлаштирсин. Оилаларимизга хотиржамлик ато этсин. Қалбингиз хотиржам, иймонингиз комил бўлсин!

Рўзақул ХОЛМУРОДОВ,
жамоат арбоби.ИККИ ДАВР ГУВОҲИ
БЎЛГАН АВЛОД
ВА РАМАЗОН ИБРАТИ

Юртимизга муборак Рамазон ойи кириб келиши билан жамият ҳаётида сезиларли руҳий ўзгариш кузатилади. Шошқалоқлик ўрнини мулоҳаза, бепарволик ўрнини масъулият эгаллайди. Инсон ўз қалбига назар ташлаб, ҳаёти ва амалларини қайта баҳолашга интилади.



Рамазон – Ислмо тақвимининг тўққизинчи ойи. Айнан шу ойда муқаддас Қуръон нозил қилина бошлангани манбаларда қайд этилади. Демак, Рамазон – нур тушган, қалблар уйғонган, инсониятга йўл кўрсатилган ой.

Рўза эса фақат оч қолиш эмас. Рўза – бу ирода синови. Бу нафсни жиловлаш, сабрни давом эттириш, қалбни поклаш демакдир. Овқатдан тийилиш қийин бўлиши мумкин, аммо тилни гийбатдан, қалбни ҳасаддан, қўлни ноинсофликдан тийиш янада мушкул. Рамазон ана шу мушкул вазифани зиммамизга юклайди.

Биз, 1950-1970 йилларда туғилган авлод вакиллари, бу ойнинг қадрини алоҳида ҳис этамиз. Чунки биз икки хил даврни бошдан кечирдик. Совет Иттифоқи даврида туғилиб улғайдик. Мактабларда дин ҳақида гапириш одат эмас эди. Рўза тутиш соғлиқка зарар деб тушунтирилди, ёшларнинг диний амалларни бажариши маъқул қўрилмасди. Бизнинг онгимизга бошқа дунёқараш синдирилди.

Шу билан бирга, уйларимизда бобо-момоларимиз анъаналаримизни сукут сақлаган ҳолда давом эттирарди. Улар рўза тутар, дуо қилар, аммо бу ҳақда овоз чиқариб гапирмасди. Шу тариқа бир авлод мафкура ва миллий-маънавий илдишлар ўртасида ўсди. Бу ҳолат қалбимизда саволлар туғдирар, айримларда иккиланиш уйғотарди.

Қозғоғистон мустақилликка эришгач, диний эркинлик тикланди, масжидлар қурилди, Рамазон очиқ-ойдин нишонланадиган бўлди. Аммо йиллар давомида шаклланган қарашларни ўзгартириш осон кечмади. Ички кўркўвни енгил, маънавий бўшлиқни тўлдирши, йўқотилган илдишларга қайта боғланиш – буларнинг барчаси вақт ва ирода талаб қилди.

Ана шу жараёнда Рамазон биз учун ҳақиқий маънавий тиклаш мактабига айланди. Биз рўзанинг моҳиятини қайта англадик. Унинг соғлиқка эмас, аксинча инсон иродасига, ахлоқига ва маънавиятига фойда эканини тушуниб етдик. Биз фарзандларимизга эркин равишда диний қадриятларни ўргатиш бахтига муяссар бўлдик.

Рамазон – раҳмат ва мағфират ойи. Бу ойда қилинган ҳар бир яхши амалнинг савоби зиёда қилиб ёзилиши ҳақида ҳадисларда баён қилинган. Шу боис одамлар садақа қилади, муҳтожларга ёрдам беради, қариндош-уруғ билан алоқани тиклайди. Аразлар унутилади, кечирим сўраш ва кечириниш ҳисси кучаяди.

Агар биз бу ойни чуқур анласак, у фақат бир ой эмас, бутун ҳаётимизга таъсир қиладиган бурилиш нуқтасига айланади.

Зеро, Рамазон инсонни ўзгартириш учун келади. Қалбларни юмшатиш, виждонни уйғотиш, ҳаётга маъно бағишлаш учун келади.

Шу муборак ойда ҳар биримиз ўзимиз билан адолатли ҳисоб-китоб қилайлик. Йўқотганимиз – маънавий бўлса, уни қайта тиклайлик. Агар иккиланган бўлсак – қатъий қарор қабул қилайлик.

Бу имконият ҳар йили бизга яна бир бор берилверади, аммо унинг қадрини англаш – ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.

Турсунбой ЎРМОНОВ,
нафақадаги меҳнат фахрийси.

»» Ойнома

Ўзбекча – балиқ, форсча – моҳий,
арабча – ҳут, русча – рыба.Муддати 19 февралдан 21 мартгача,
31 кун

Шу муддат оралиғида туғилганлар бурж ҳисобида ҲУТдир.

ҲУТда қиш ҳавоси ҳали сезилиб туради: қор ёғиб, совуқлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Тожик халқининг: "Хут агар хутти кунад, кампирро дар қутти кунад", яъни "Хут хутлигини қилса, кампирларни (кексаларни) қутидан (уйдан) чиқармай қўяди", деган нақлида жон бор. Яйлов кишилари орасида эса: "Яхши келса, ХУТни кўр, қозон тўла сутни кўр" деган мақол бор.

ҲУТ кириши билан деҳқонларнинг ороми бузилади. Ҳамма кўклами экиш мавсумига тайёргарлик кўради. "ҲУТнинг бир дақиқаси кузнинг ун кунига тенг" дея бежиз айтилмаган.

ҲУТ қанчалик совуқ келмасин, табиат

ЮРТИМИЗГА ҲУТ КИРДИ

барибир уйғониш сари жадал юз тутиб бораверади. Узоқ жанубга учиб кетган қушлар қайтади. Қир-адирлар, бог-роғлар ва далалар яшил либосга бурканаверади. ҲУТнинг охирига бориб қора чумолилар инидан чиқади.

ҲУТнинг яна бир инсонларга фойдали хислати бор. Табиат дорихонаси бу ойда одамлар учун эшигини кенг очади. Ҳамма жойда Наврўз тарадудлари бошланиб кетади. Сумалак майсалари ўстиришга киришилади. Хусусан, ялизи, жағ-жағ, исма-лок, қалдирғоч қулча, қуштили, барра қиз-ғалдоқ, чучмома, кийикўт ва бошқа нодир, айни пайтда доривор кўкатлардан бичак, сомса, чучвара каби ўнлаб тансиқ таомлар тайёрланади, қўни-қўшни, қавму қариндош, таниш-билишлар хурмат юзасидан бир-бирлариникига товоқ-товоқ зирали, мурчи, сариёғда пишган кўкбичак, сомса юбо-

радилар. "Қўшнинг ялпиз сомса бермаса, деворига суйқалиб ўт", деган ҳикमत бежиз айтилмаган.

ҲУТ ана шундай неъматлар конини яратиб, Наврўз шодиёналари ва меҳнат кўтаринкилигини авжга чиқариб, фасл навбатини ҲАМАЛГА топширади.

Хайрулла ҚОСИМОВ,
"Фасллар хосияти" китоби.

ҲУТ ҲАҚИДА МАҚОЛЛАР

- Ҳут кирди, деҳқон пайтавасига қурт кирди.
- Ҳут кирди, ер остига дуд кирди.
- Ҳут сувига ҳўкизингни суғорма.
- Ҳут яхши келса, кади-кади сут, хут ёмон келса, керагада пут.
- Ҳутда мол тўймаса, одам тўймас.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7774-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентош, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозғоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳамда далилларни тўғридан уқун ирради-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPY0022503 уевоҳнома берилган.

"ERNUR-olig" МББ Ўзбекистонда чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуҳомедов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65466.

Адади – 10700 нусха.

Бўғим:
408

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.